



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 30 июль, № 160 (7940)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА УЛКАН ЛОЙИҲАГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 июль куни Олмалик кон-металлургия комбинати конлари негизда рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги ишлар билан танишди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб “Ёшлик-1” конини бориб кўрди.

Олмалик кон-металлургия комбинати очик ва ер ости конлари, металлургия ва цемент заводлари, кенг қамровли инфра-тузилма объектларини бирлаштирган улкан санаят мажмуасидир. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган санаят маҳсулотининг 7 фоизи, экспорт ҳажмининг 15 фоизи мазкур комбинат ҳиссасига тўғри келади. Охириги йиллардаги эътибор натижасида янги конлар топилди, ишлаб чиқариш ҳажми янада оширилмоқда.

“Ёшлик-1” конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳаси шулардан бири. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ бошланган ушбу лойиҳанинг қиймати 4 миллиард 894 миллион доллар.

Давлатимиз раҳбарига коннинг салоҳияти, уни ўзлаштириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Худуди 11 минг гектар бўлган мазкур кондан йилга 65 миллион тонна маъдан қазиб олинади. 60 миллион тонна мис-молибден рудасини қайта ишлаш қувватига эга 3-мис бойитиш фабрикаси курилади. Шунингдек, оҳак заводи, 650 мегаваттлик электр тармоғи ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилади.

Лойиҳа доирасида ўтган тўрт йилда замонавий геологик тадқиқотлар, конда 83 миллион куб метрдан ортқ ҳажмдаги қазил ишлари бажарилган. Бунинг учун умумий қиймати 415 миллион доллар бўлган 570 дан зиёд махсус техника жалб этилган. Ушбу улкан лойиҳа 2024 йилда ишга туширилиши, жами 6 мингта иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган.

Олмалик кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикаси курилишининг бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

— Барчангизни бугунги қувончли воқеа — Олмалик кон-металлургия комбинатининг янги мис бойитиш фабрикасини курилиши бошланаётгани билан чин қалбимдан табриклайман, — деди Президент Шавкат Мирзиёев. — Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида эзгу ниятлар билан мана шундай улкан лойиҳани амалга оширишга киришмоқдамиз. Бу муҳим воқеа нафақат ушбу комбинат ҳаётида, балки мамлакатимиз санаяти тарихида янги давр бошланаётганидан яққол далолат беради.

Кейинги йилларда комбинат фаолияти юксак даражага кўтарилиб, мис ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 барбарга кўпайгани ва 150 минг тоннага етказилгани таъкидланди.

Ўтган уч йил мобайнида комбинат конларида умумий узунлиги 206 минг метр

бўлган 475 та қудуқ бурғиланган. Халқаро миқёсда тан олинган хорижий лабораторияларда ушбу конлар рудасининг 100 мингдан ортқ намуналари кимёвий таҳлиллар асосида чуқур ўрганилган. Халқаро баҳолаш мезонларига кўра, бу ерда миснинг ялпи захираси 45 миллион тоннани, олтин захираси эса 5 минг тоннадан зиёдни ташкил этиши аниқланган. Бу дунё миқёсида ҳам энг йирик ҳамда ноёб кўрсаткичлардир.

Шунингдек, бу ерда қазиб олинаётган руда таркибиде кумуш, молибден, селен, теллур, рений ва бошқа нодир металллар борлиги ҳам аниқланган.

Бугун дунёда “яшил иқтисодиёт”, қайта тикланадиган энергия манбаларига эътибор кун сайин ортиб бормоқда, электр техникаси санаяти жадал ривожланмоқда. Бунинг натижасида 2030 йилга бориб мис маҳсулотларига бўлган эҳтиёж камида 40 фоизга ортиши кутилмоқда. Бу Олмалик кон-металлургия комбинати маҳсулотларига

халқаро талаб узоқ йиллар давомида юқори бўлади, деганидир.

Шу боис мамлакатимизда рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

“Ёшлик-1” кони негизда курилаётган 3-мис бойитиш фабрикаси шу борадаги улкан қадамлардан биридир. Қиймати 2 миллиард доллар бўлган ушбу корхона биринчи босқичда йилга 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш имконини беради.

Иккинчи босқичда қувват 160 миллион тоннага етади ёки бугунги кўрсаткичдан 3 барбар кўпаяди. Ушбу икки босқич амалга оширилиши натижасида корхона 2028 йилга бориб йилга 400 тонна мис, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумуш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 2021 ЙИЛ 18 МАЙДАГИ «ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХУДУДИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар хуудидеб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясида белгиланган устувор вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш, Оролбўйи минтақасини экологик ва гуманитар инқироз юз бераётган хууддан экологик инновациялар ва технологиялар хуудидега айлантириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар хуудидеб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюцияси (кейинги ўринларда — махсус резолюция) қабул қилинган.

(Давоми 4-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси 2021 йил 30 июль куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида видеоконференцалока тарзида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис 30-31 июль кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

### 30 июль — Халқлар дўстлиги куни

## ЎЗБЕКИСТОН — ЯГОНА ВАТАН

Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити — тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилidir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида жамиятимизда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилишига алоҳида тўғалиб, юртимизда 30 июлни “Халқлар дўстлиги куни” деб белгилашни тақриф қилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 1 июндаги қарорига мувофиқ, “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишони таъсис этилди.

Ўзбекистонда миллатлар ва диний конфессиялараро аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бутун халқимиз, айниқса, шу азиз туپроқни Ватан тутган турли миллат ва элат вакилларини ғоят хушнуд қилмоқда.

Хўш, 30 июль — Халқлар дўстлиги кунини кўтаринки руҳда нишонлаш борасида юртимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мамлакатимизда қарор топган ўзаро меҳр-оқибат муҳити, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатлангани, турли миллатларнинг қадрият ҳамда аъёнларини ривожлантиришлари учун яратилган шарт-шароитлар Ватанимиз тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашда қандай аҳамият касб этмоқда?

Юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

[2 ва 3-саҳифаларга қаранг.](#)



# МИЛЛАТЛАР ТОТУВ — ТИНЧЛИК АБАДИЙ



**Рустамбек КУРБОНОВ,**  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси раиси:

— Тарихдан маълумки, ўзбек халқи асрлар давомида турли халқлар билан ўзаро савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларни олиб борган. Бундай муштажам муносабатлар ўз-ўзидан аҳолининг турмуш тарзи, маданияти, адабиётига ижобий таъсир кўрсатган.

Жумладан, Амир Темура ва темирлар ҳукронлиги даврида ўлкамизда дипломатик муносабатлар юксак даражада ривожланган. Соҳибқирон бобомизнинг Франция, Англия, Испания, Византия, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Усмонийлар империяси каби кўплаб давлатларнинг ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқалари ва ёзишмалари буни яққол тасдиқлайди. Амир Темура саройига дунёнинг турли мамлакатларидан, жумладан, Европа давлатларидан ўнлаб элчилар келган. Уша давр манбаларида салкам ўн йил ичида Амир Темура номидан Хитойга 9 марта элчи юборилгани қайд этилади.

Бироқ яқин ўтмишда халқимизнинг меҳмондўстлик, бағрикенглик фазилатлари поймол қилинаёзди. Шунга қарамай, ўз юртидан мажбуран кўчирилган, бадарга қилинган неча элат ва миллат вакилларига халқимиз бағрини очилган, меҳр кўрсатишдан қўрқмади, энг оғир дамба уларга ёрдам қилини чўзиб, бир кунда нонини баҳми кўрди. Корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, крим-татарлар бу бағрикенг заминда ўзининг иккинчи ватанини топди.

Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши даврида бошпанасиз қолган минглаб турли миллат вакиллари ўз бағрига олган Ўзбекистон халқи ўзининг бағрикенглиги ва меҳмондўстлигини яна бир бор яққол намойиш этди. 300 мингдан ортиқ етим болаларни ўзбек оилалари ўз фарзандларидек қабул қилди, топганини бира баҳам кўрди. Бунга Шоҳамуд Шоҳамудов оиласи шарафига яратилган монумент ўзбек миллати бағрикенглигининг тинимсиз сифатида пойтахтининг Халқлар дўстлиги майдонидан қад кўтариб турибди.

Халқро ҳуққуда “миллий озчилик” деган тушунча бор. Лекин Ўзбекистонда бу ибора ишлатилмайди. Чунки унинг замирида оз сонли миллатларни камситиш, халқни кўпчилик ва озчиликка бўлиш тушунчасига ишора

бордек. Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги давлат томонидан қамолатланган. “Ўзбекистон халқи” тушунчаси юртимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ҳамда элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳам-жаҳатлик туйғуларини мустаҳкамлашга ҳуқуқий-маънавий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланиши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Юртимизда яшаб келаётган барча миллат ва элатлар равангаи учун тенг имкониятлар яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш истиқлол йилларида давлатимиз миллий сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилган, республикада миллатлараро дўстлик ҳамда бирдамликни мустаҳкамлаш, барча миллатларнинг ривожланиши, ўз қадриятларини сақлаб қолиши учун тенг шароитлар яратиш бериш, миллий-маданий марказлар фаолиятини қўлайитириш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш борасидаги хайрли ишлар бутунлай янги босқинга кўтарилди. Қилинаётган эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ҳамжиҳатликда, бир оила фарзандидек яшаб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Қолаверса, республикада таълим 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилади. Шунингдек, юртимизда 150 та миллий-маданий марказ фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг аксариятида “Якшанба мактаблари” ташкил этилган. Уларда ёшларга она тили ва давлат тили, урф-одат ва анъаналар, маданият ва санъат йўналишларида билим бериб борилади. Қўвонарлиси, миллий-маданий марказлар давлат миқёсидаги умумхалқ байрамлари, тадбирларида фаол иштирок этиб келади. Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Ватан битта, Ватан ягона”, “Бизнинг кучимиз — бирикки ва ҳам-жиҳатликда” каби фестиваллар миллатлараро дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқлилиги давлат томонидан қамолатланган. “Ўзбекистон халқи” тушунчаси юртимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ҳамда элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳам-жаҳатлик туйғуларини мустаҳкамлашга ҳуқуқий-маънавий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланиши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Юртимизда яшаб келаётган барча миллат ва элатлар равангаи учун тенг имкониятлар яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш истиқлол йилларида давлатимиз миллий сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилган, республикада миллатлараро дўстлик ҳамда бирдамликни мустаҳкамлаш, барча миллатларнинг ривожланиши, ўз қадриятларини сақлаб қолиши учун тенг шароитлар яратиш бериш, миллий-маданий марказлар фаолиятини қўлайитириш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш борасидаги хайрли ишлар бутунлай янги босқинга кўтарилди. Қилинаётган эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ҳамжиҳатликда, бир оила фарзандидек яшаб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Қолаверса, республикада таълим 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилади. Шунингдек, юртимизда 150 та миллий-маданий марказ фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг аксариятида “Якшанба мактаблари” ташкил этилган. Уларда ёшларга она тили ва давлат тили, урф-одат ва анъаналар, маданият ва санъат йўналишларида билим бериб борилади. Қўвонарлиси, миллий-маданий марказлар давлат миқёсидаги умумхалқ байрамлари, тадбирларида фаол иштирок этиб келади. Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Ватан битта, Ватан ягона”, “Бизнинг кучимиз — бирикки ва ҳам-жиҳатликда” каби фестиваллар миллатлараро дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Шу боис мамлакатимизнинг этник харитасини яратиш, бу бўйича илмий марказлар ташкил қилиш, тизимдаги мавжуд ҳолатни илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадида соҳа мутахассислари, олимлари томонидан кўплаб тақлифлар илгари сурилди.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда этнология ва антропология бўйича малакали мутахассислар тайёрланади. Бироқ шу кунгача юртимизда айни йўналишда кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас эди. Қўвонарлиси, Президентимизнинг юрғизаётган оқилона сиёсати тўғрисида 2019 йилда Мирзо Улугбек номидан Ўзбекистон Миллий университетига этнология ва ижтимоий антропология бўйича янги йўналиш ташкил қилинди. Ҳозирги кунда мазкур факультетда 70 нафар ёш соҳа сир-асрорларини чуқур ўрганмоқда. Таъқидлаш керакики, ушбу йўналишдаги талабалар мамлакатимиз ва минтақада яшаётган турли миллатлар, элатлар, уруғларнинг ўзига хослик



# ЎЗБЕКИСТОН

лари, худудларнинг этник қиёфаси бўйича билим олиб, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги устувор йўналишларни аниқлаш орқали ҳозирги ҳолат, уларнинг сабаблари, илдишларини ўрганиш, мониторинг қилиш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича етук мутахассис бўлиб етишди.

Шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан илгари сурилган Харакатлар стратегиясида давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, ён-атрофда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик мундирини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқро нуфузини мустаҳкамлашга оид муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган. Стратегияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йилларда бир қанча тадқиқотчиларнинг миллатлараро муносабатлар соҳасида олиб борган илмий изланишлари қўллаб-қувватланиб, уларни китоб ҳолида нашр этишга яқиндан

қўмак берилди. Бундан ташқари, республика олий ўқув юрлари билан ҳамкорликда “Инсон, миллат, тил: тарққиёт масалалари” мавзусида илмий-назарий конференциялар ўтказилди. Президентимиз тақлифи билан бу йил мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган Халқлар дўстлиги кўни дўстликда мамлакатлараро тотувлигини таъминлаш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга замин яратди. Айни пайтда кўмитамиз мазкур байрамни юқори савияда, айни шароитда санитария-эпидемиология талабларига риоя қилган ҳолда ўтказишга жиддий ҳозирлик қўрмоқда.

Қисқача айтганда, мамлакатимизда миллатлар ҳамда элатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳурмат, ишонч, меҳр ва соҳават туйғуларини янада мустаҳкамлаш борасида олиб бориладиган ишлар Ўзбекистонда тинчлик-тотувлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

## ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

**Турехон НАРИМБЕТОВ,**  
Навоий вилояти қозоқ миллий-маданий маркази раҳбари:



— Қозоқларнинг ўзбек халқи билан минг йилларки қувонч ташвишлари бир. Шу боис мамлакатимизда барча миллатлар қатори қозоқларнинг ҳам эмин-эркин яшashi, орзу-мақсадларини рўёбга чиқариши учун кенг шароитлар яратилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил март ойида Навоий вилоятига ташрифи доирасида Томди туманида ўтказган мулоқоти худдида истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари қатори қозоқ юрдошларимизнинг ҳам кўнгилни тоғдек кўтарди.

Мулоқотда Президентимиз Қизилқумда узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларга атрофлича тўхталиб, барчасининг ечими бўйича чора-тадбирларни белгилади. Хусусан, олис чўл овулларида кадрлар тақчиллиги ҳисобга олиниб, фарзандларимизга олий ўқув юрларида таълим олиши, бошқа худудлардан келиб ишлаётган мутахассислар учун имтиёزلарнинг тақдим этилиши одамларимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаб, яшаш шароитларини анча енгилаштирди.

Бугун Қонимек, Томди ва Учқудук туманларидан юзлаб ёшларимиз Бухоро, Самарқанд ва Навоий шаҳарларидаги олий ўқув даргоҳларида имтиёзли асосда таълим олаётди. Шунингдек, ушбу туманларнинг ўнлаб овуллари “Обод маҳалла” дастури доирасида янгича қиёфа касб этиб, замон талабиди инфратуристурага эга бўлди. Энг чека овуллардаги мактаб, мактабгача таълим ва тибиёт муассасаларининг моддий-техника базаси янгилади. Айтеке бий, Қанарбой ота ва Қилич ота каби улуг ақ-

долларимизнинг зиёратгоҳлари ободонлаштирилиб, муқаддас қадимларга айлантирилди. Бу каби янгилашлар узлуксиз давом этмоқда.

Марказимиз мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик гоёсига таяниб, Ватанимиз равангаи, тинчлиги ва фаровонлиги йўлида юрдошларимизни эзгу ниётлар атрофида бириктиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Шунингдек, миллий қадриятларини асраш, ёш авлод қалбидан унга муҳаббат уйғотиш, уларни қозоқ тарихи, маданияти ва қадриятларини ўрганишлари учун йилда Бутунжаҳон қозоқлар ассоциацияси ва “Отандастар” фонди томонидан Абай таваллудининг 175 йиллигига бағишланган оғилнинг тарзда ўтказилган “Абай олами” халқро тановини эътироф этмок жоиз. 12 давлат вакиллари қатнашган мазкур танловда қонимехлик 18 ёшли Балнур Алибекова иккинчи ўринни эгаллаб, жонжонга Ўзбекистонимизда қозоқлар ўз миллий тарихи, маданияти ва қадриятларини ўрганишлари учун барча шароит яратилганини исботлади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мустақар айтсак, бугун мамлакатимизда амалга оширилган янгилашларда турли миллат вакиллари қатори қозоқ юрдошларимиз ҳам фаол иштирок этиб, Ватанимиз равангаи йўлида ўз камарбастигини намойиш қилмоқда.

## ОҒЗИБИРЧИЛИКДА ҲИҚМАТ КЎП



**Икром АХМЕДОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибият бошлиғи:

— Қорақалпоғистонда “оғзибирчилик” деган ибора кенг қўлланилади. Бу турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқликда, Ватан тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида бирдамликда яшаб, меҳнат қилиниши аниқлади.

Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқлар, ўзбеклар билан бирга рус, украин, беларусь, қозоқ, туркман, қирғиз, татар, озарбайжон, корейс ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилади.

Кейинги йилларда жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга йўналиш-

рилан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бошқа миллат вакиллари каби қорақалпоқларнинг ҳам тили, адабиёти, урф-одат ва анъаналарини янада ривожлантиришлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Қорақалпоғистон Республикасида украин, рус, қозоқ, туркман, корейс миллий-маданий марказлари фаолият олиб бормоқда. Мазкур марказлар томонидан республикада яшовчи турли миллат ва элатларнинг миллий байрамлари ўтказиб келинади. Худудда қардош халқлар фарзандларининг ўз она тилларида умумий ўрта таълим олиши имконияти яратилган. Хусусан, ўзбек, қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, туркман, қозоқ тилларида ўқитиладиган мактаблар мавжуд.

Шу билан бирга, “Қорақалпоғистон” телевидениесида турли миллат ва элатлар

ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Ўзбекистон — умумий уйимиз” номли телекўрсатув мунтазам эфирга узатилади. Шунингдек, қозоқ тилида “Алтын аймақ” ва рус тилида “Мой любимый край” кўрсатувлари намойиш этилади. Матбуотда эса рус тилида “Вести Каракалпакстана” газетаси ва туркман тилида “Мекон” журнали фаолият олиб бормоқда. Бу ишлар ҳам бошқа миллат вакилларига кўрсатилган ҳурмат ва миллатлараро тотувликнинг амалий кўриниши, десак, муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, худудда қанча миллат ва элат вакиллари яшамасин, улар ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик таъминлари асосида ягона оила каби оғзибирчиликда яшаб меҳнат қилмоқда. Ёши улуглар айтганидек, оғзибирчиликда эса ҳиқмат кўп.

## ҲАМЖИҲАТЛИК — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



**Обиджон НОСИРОВ,**  
Андижон вилояти қирғиз миллий-маданий маркази раҳбари:

— Биз қайси миллат вакили бўлишимиздан қатъи назар, Ўзбекистон фарзандларимиз. Шу юрда туғилдик, таълим олдик, камолга етдик, оила курдик. Демак, Ўзбекистон — ягона уйимиз.

Айни пайтда Андижон вилоятида 150 минг нафарга яқин қирғиз миллати вакиллари истиқомат қилмоқда. Гарчи ўзбеклар билан турмуш тарзимиз, ма-

даниятимиз, урф-одатларимиз яқин бўлса-да, қирғиз миллатига хос анъаналарини ҳам давом эттирмоқдамиз. Масалан, “Кўнўк”, “Иркесе”, “Жилик тортиш”, “Энчи бериш” каби одатларимиз бевосита қардош халқлар иштирокида бўлиб ўтади. Урф-одатларимиз, айниқса, қирғиз миллати вакиллари кўп истиқомат қиладиган Ҳўжабод, Жалақудук, Қўрғонтепа каби туманларда кенг тарқалган бўлиб, улардаги бирлик, эзгулик гоёлари ёш авлоднинг тарбиялашида асосий восита вазифасини ўтайди.

Эшларимиз камолоти йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳам хайрли. Бугунги кунга келиб, вилоятда 24 та умумтаълим мактабида дарслар қирғиз тилида ўтиломоқда. Андижон давлат университетининг Қирғиз филология кафедраси ҳар йили 100 дан ортиқ мутахассисларни тайёрламоқда.

1996 йили ўз фаолиятини бошлаган Қирғиз миллий-маданий маркази халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни улуғлашга хизмат қилмоқда. Андижон давлат университетиде ташкил этилган “Жаштик” дастаси томонидан ижро қилинаётган қирғиз халқ қўшиқлари эса шу миллат маданиятини ўзида ифода

этяпти. Жалақудук тумани ҳокимлиги нашри “Жалақудук ҳаёти” газетасида ташкил қилинган “Достук” саҳифасида вилоятда истиқомат қилаётган қирғиз миллати вакиллари ҳаёти ва фаолиятига оид мақолалар она тилида чоп этилган.

Кейинги йилларда марказимизга бўлган эътибор ҳар доимгидан ортиб. Яқинда вилоят марказида фойдаланишга топширилган “Маърифат уйи”дан ажратилган алоҳида хонада фаолиятимиз учун барча шароит ҳозирланди.

Ўзбек ва қирғиз миллати вакиллари азалдан қанда-қанда бўлиб келган. Бу дўстона муносабатни биздан кейинги авлодга мерос қолдириш бизнинг бурчимиздир.

## ЎЗБЕК, ТУРКМАН СОЗИН НАВОСИ ЎХШАШ...



**Давлатназар РАЖАБОВ,**  
Хоразм вилояти туркман миллий-маданий маркази раҳбари,  
“Дўстлик” ордени соҳиби:

— Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимизни ягона тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар бириктириб туради. Ҳар икки халқ маданияти ва санъати асрлар мобайнида бир-бирини тўлдириб, бойитиб борган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда турли миллат вакиллари билан ҳамжиҳатликда яшаб келмоқдамиз.

Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган ўн минг нафарга яқин

туркманларнинг бошқа миллат ва элат вакиллари сингари муносиб турмуш кеңириши, миллий қадриятларини асраб-авайлаши, ривожлантириши, фарзандларининг таълим олиши, истеъдод ҳамда салоҳиятини кенг намойиш этиши учун тенг шароитлар яратилган. Бундай имкониятлардан фойдаланган халқимиз турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, худудни иқтисодий-ижтимоий юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Кўп миллатли Ўзбекистонда тинчлик, осудаликни сақлаш ва

юрт фаровонлигини таъминлашда фаол иштирок этаётди.

Марказимиз воҳода уюштирилган байрам тадбирлари, дўстлик фестиваллари ва қирик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Урганч туманининг Гойбу қишлоғида жойлашган “Улли ховли” тарихий мажмуаси ёнида “Ўзбек — туркман дўстлиги” барпо этилди. Улуғ шоир Маҳтумқули Фирогийнинг ҳайкали қад ростлади.

Бугунги кунда ушбу мажмуада

ташкил қилинган тарихий ёдгорликлар музейидан маҳаллий ва хорижий сайёҳлар қадами узилмайди. Замонавий кутубхонада ўзбек ва туркман адибларининг энг нодир асарлари жамланган. Қайта таъмирланган “Улли ховли” тарихий мажмуаси эса туркманларнинг яшаш тарзи, тарихи ва бугуни билан танишиш имконини беради.

Ўзбек ва туркман халқлари ўртасида дўстлик ришталари янада мустаҳкамланмоқда. Биз мана шундай обод, фаровон, осойишта юрда аҳил ва тинч-тотув умр узароликни қилаётганимизга беҳад шукроналар айтаемиз.



### ДЎСТУ ҚАРДОШДИР АЗАЛДАН...

**Акбар МАҲМУДОВ,** Самарқанд вилояти тожик ва тожикзабон миллий-маданий маркази раҳбари:

— Ўзбеги тожик — урф-ода-ти, дини, мазаби, тарихий илди, туй-азаси бир халқ. Қадим замонлардан бутун Марказий Осиё худудида аҳил-иноқ ҳаёт кечириб келмоқда. Ватан, диёр, офтоб, нур, муҳаббат, садоқат, шараф, ҳалол, ор-номус, ҳаё ва бошқа сўз ҳамда тушунчалар ўзбек ва тожик тилларида бир хилда янграйди, кадрланади. Таомларимизда ҳам ўхшаш ҳаётлар бисёр. Уй-жой қуриш архитектураси, яъни айвон, дахл, тоқча, тахмон, пойга, дарвозахона, меҳмонхона, дастурхон сингари атамалардаги мазмун-маъно турмуш тарзимиздаги яқинлиқдан далолат. Отанани эъзозлаш, опа-сингил, ака-ука, фарзанд-неварога эътиборнинг жуда нозик қирралари оилалардаги муштарак аъёнларнинг намоён этиди.

тон ва Тожикистон ўртасидаги дўстона алоқаларнинг кучайиши, чегараларнинг очилиши, виза тартибининг бекор қилиниши икки мамлакат халқи учун эмин-эркин, тинч-тотув, бахтли ва фаровон яшаш, борди-келди, куда-андачилик ришталарини янада мустаҳкамлаш имкониятини кенгайтирди.

Марказимиз ўшбу имкониятлардан кенг фойдаланиб дўстлик, инсонпарварлик, миллий ва умумбаشارий аъёнларни мустаҳкамлаш, адабий алоқаларни кенгайтириш, икки миллат ижодкорлари асарларини китоб шаклида нашр қилиш ҳамда тақдирот-тарғиботини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Қувонарлиси, шу йил 21 март куни Самарқанд аҳли учун кўшалок байрам бўлди. Наврўз тантаналари доирасида “Дўстлик уйи” мухташам биносининг фойдаланишга топширилиши биз учун унутилмас воқеа, бебаҳо туҳфа бўлди. Бу ташаббус давлат раҳбари томонидан умрбоқий дўстликка қўйилган



маънавий ҳайкал ҳисобланади. Утган йили Ўзбекистон Республикаси томонидан туҳфа этилган Тожикистоннинг Хўжанд ва Регар шаҳарларида олий таълим филиали ҳамда умумтаълим мактаби бинолари ўз талаба-ўқувчиларини бағрига олган бўлса, бу йил Самарқанд вилоятининг Ургут туманида Тожикистон Республикаси томонидан барча шарт-шароит ва қулайликка эга таълим муассасаси ишга туширилди.

Бу йил илк марта ба 30 июль юртимизда “Халқлар дўстлиги кўни” сифатида байрам қилиниши ҳам миллий маданий марказларни келгусида янада баланд руҳ ва ўшқинлик билан ишлашга ундайди.

### ОНА ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИНИ САҚЛАБ...

**Валентина МИЛЛЕР,** Фарғона вилояти немис миллий-маданий маркази раҳбари:

— Марказимиз фаолияти немис тили, маданиятини сақлашга қаратилган. Ўзбекистонда немис миллатига мансуб маҳаллий аҳолининг ўз тили, маданияти, аънава ва урф-одатларини ўрганиши ҳамда сақлаши учун зарур шарт-шароитлар ҳозирланган.

Немис тили, ракс ва қўшиқчилик ижодиёти миллатимиз вакиллари билан бирлаштирувчи омил ҳисобланади. Марказида қошида диққат қўриқилган немис тили, ракс, хор, театр санъати ҳамда чеварлик, пазаданчилик каби тўғрақлар машғулотида нафақат немис, балки бошқа миллатга мансуб аҳоли вакиллари ҳам қатнашапти.

Катта ёшдаги ёлғиз этник немисларга амалий кўмак бериш доимо диққатимиз марказида туради. Бу ва бошқа сайёҳатларимиз миллатимизга мансуб барча ёшдаги одамларнинг немис диаспораси ҳаётида фаол қатнашишига,

муҳими, авлодлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилаётган тадбирлардаги иштироки эса бошқа миллат ҳамда элат вакиллари билан янада яқинлашиб, иноқлаштишга, дўстлигимизнинг янада мустаҳкамлашига кўмак бераётир.

Апрель ойида марказимизда диний байрам — Пасха кенг нишонланди. Унда марказимиз қошидаги барча ижодий жамоалар иштирокида байрам концерти бўлиб ўтди. Чеварлик тўғрисида қатнашган болалар томонидан ҳисобот концерти берилди. Унда болалар немис тилидаги эртанки саҳналаштирди, немис халқ рақслари ва ашулаларини намойиш қилди.

Айни пайтда вилоятда 8 та миллий маданий марказ фаолияти йўлга қўйилган ва улар учун Фарғона шаҳрида ўтган йили қуриб битказилган “Дўстлик уйи”да барча шарт-шароит муҳайё этилган.



Яқинда мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар учун ёзги лингвистик майдонча ташкил этилди. Ёзги майдонча доирасида ўтказилган машғулотлар ва тадбирларда қатнашган болалар томонидан ҳисобот концерти берилди. Унда болалар немис тилидаги эртанки саҳналаштирди, немис халқ рақслари ва ашулаларини намойиш қилди.

### ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

**Фаина ГОЛУБЦОВА,** Сирдарё вилояти рус миллий-маданий маркази раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳиб:

— Вилоятимиз аҳолисини турли миллат вакиллари билан иборат гулдастага ўхшатаман. Улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик неча-неча синовларда тобланган ҳамда мустаҳкамланган. Мирзачўлни ўзлаштириб, боғу бўстонга айлантиришда ўзбеклар билан бирга рус, қозоқ, қирғиз, тожик каби ўнлаб миллатлар вакиллари фидойилик қўриқилганларининг ўзи катта бир тарих. Айни пайтда ана шу чўлқувлар авлодлари ҳам ота-боболари аъёнларини кўз қорачиқидек асраб-авайлаб, ривожлантириб келмоқда.

